



# ХАВАР

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 28 iyun № 26 (511)

Sotuvda narxi erkin

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Азиз ҳамкасблар!

«ХАВАР» газетаси жамоаси Сизларни 27 июн — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, масъулиятли ҳамда шарафли ишингизда ижодий баркамоллик тилайди.

Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган Каспийбўйи давлатларининг телекоммуникация бўйича халқаро конференциясида Республика-миз алоқачиларидан иборат делегация акадчилари ҳам иштирок этди. Ушбу ажиоудда "Узбектелеком" АК бош директори нутиқ сўзлади. Қуйи-да мазкур нутиқда тилга олинган айрим масалаларнинг эътиборингизга ҳавола этамоқ.

Шаҳрлараро тармоқ каналларининг 60 фоизи ва халқаро тармоқ каналларининг 83 фоизидан олгини рақамлаштирилган. Маълумотларини узатин тармоқлари, шу жумладан Интернет жалад ривожланмоқда. Узбекистон телекоммуникациялар тизими бевосита 28 йуналиш бўйича халқаро каналларга эга бўлиб, жаҳоннинг 180 давлатига чиқа олади. Албатта, бу борда 1998 йилда қурил-

### ● Ҳамкорлик уфқлари

- қонуний ҳужжатларнинг (хорижий сарможаларга нисбатан сармож киритиш санасида амал қилган қонуний ҳужжатлар қўлланади) барқарорлиги;
- мулкнинг сақланиши;
- маблагларни республика ич-карасига ва ундан ташқарига чеklangиниларсиз ўтказиш;

— сар-можалашти-риш фа-лювти ту-аши муно-сабати бил-ан хори-жий сар-мо-

## РЕСПУБЛИКАМИЗ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимиз истиклолга эришганда сўнг оқимизда маҳаллий, айниқса халқаро алоқаларга бўлган талаб ва эҳтисоти қаноат-лангари оладиган мустақил телекоммуникациялар тизимини бунёд этиш максаси қўйилган турарди. Эскирган алоқа воситаларини қисқа муддатларда янгилаш, замонавий-лари билан алмаштириш, телеком-муникацияларнинг илмий тармо-ларини жаҳон телекоммуникациялар тизими билан чамбарчас боғлаб, уларни ривожланган давлатлар та-лаблари даражасига етказиш орқали республика иқтисодиёти ва аҳоли-сининг замонавий алоқа хизматла-рига бўлган эҳтисотларини қаноат-лангари муаммосини ҳал этиш зарурати бор эди. Бу вазифаларни амалга ошириш бўйича юртимизда хорижий ҳамкасб ва ҳамкорларимиз ёрдамида телекоммуникациялар соҳасини техник жиҳаддан қўлга жи-ҳозлаш борасида катта ишлар бажари-лмоқда.

Узбекистон телекоммуникациялар тармоғидаги бир қатор янги лойиҳа-ларнинг амалга оширилишида хори-жий сарможалар иштироки юқори самара бермоқда. Биз IP-телефонни каби янги ах-борот технологияларини ва алоқа хиз-матларини, маълумотлар узатишининг янги тизимларини, ушбу алоқа, сим-сиз кира олиш, автомат бошқарув ти-зимлари стандартлари ва технология-ларини жорий қилиш, рақамли АТС ва бошқаларда қўшимча хизматлар ҳажмини кенгайтириш бўйича янги лойиҳаларни ишлаб чиқмоқдамиз.

Узбекистонда маълумотлар узатиш тармоғини замонавийлаштириш ва ривожлангариш лойиҳасини амалга ошириш керак. Бу иш маълумотлар узатиш тармоғини вилоят марказла-ридан туманларгача кенгайтириш ва абонентлар учун халқаро тармоқлар-га, шу жумладан Интернетга чиқа олиш имкониятини таъминлайди. Келгусида йирик лойиҳаларни, маҳаллий, шаҳарларо ва халқаро теле-фон алоқаси тармоқларини ривож-латириш ва замонавийлаштиришни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу масала бўйича халқаро тендер ўтказилган.

Мустиқиллик йиллари Узбе-кистонда телекоммуникациялар соҳаси тез суръатлар билан ривожла-нди, бу эса мамлакат иқтисодиёти та-раққийида муҳим аҳамият касб эт-моқда.

Хозирги пайтда республика маҳаллий алоқа тармоқлари икки мингдан ортиқ АТСларга ва 1,8 млн. телефон рақамларига эга. Тармоқ-ларда 1 млн. 608 минг, бунга қўшимча равишда 2001 йилда ўра-тишган 88,7 минг телефон ишлаб турибди.

Хорижий кредит ҳисобидан олинган усуналарга беш йил му-ддатда мулк соғини солганимайди. Чет эл сарможасига эга бўлган корхона-ларнинг ниом жамғармасига улар-нинг ҳўссаси сифатида республика-га хорижий сарможалар томони-дан келтирилган усуналар қўшим-ча таннарх соғинилган озоқ этилади. Бу имтиёзлар хориж сарможаларига иқтисодий фавоит учун қулай шароитлар яратди.

Хозирги пайтда республика маҳаллий алоқа тармоқлари икки мингдан ортиқ АТСларга ва 1,8 млн. телефон рақамларига эга. Тармоқ-ларда 1 млн. 608 минг, бунга қўшимча равишда 2001 йилда ўра-тишган 88,7 минг телефон ишлаб турибди.

Узбекистонда маълумотлар узатиш тармоғини замонавийлаштириш ва ривожлангариш лойиҳасини амалга ошириш керак. Бу иш маълумотлар узатиш тармоғини вилоят марказла-ридан туманларгача кенгайтириш ва абонентлар учун халқаро тармоқлар-га, шу жумладан Интернетга чиқа олиш имкониятини таъминлайди. Келгусида йирик лойиҳаларни, маҳаллий, шаҳарларо ва халқаро теле-фон алоқаси тармоқларини ривож-латириш ва замонавийлаштиришни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу масала бўйича халқаро тендер ўтказилган.

Айни дамда юртимизда олгига ушли алоқа корхоналари фавоит қўрсатишмоқда. Уларнинг 140 минг аб-онентлари бор, жумладан, ушбу Узбе-кистон-Америка қўйма корхонала-ри ("Узлунпробита", "COSCOM", "Рубикон") республика бўйича 87 минг абонентга эга. Улардан ташка-ри, "Узбекком" Узбекистон-Малай-зия қўйма корхонаси, Индонезия-нинг "Бултел", Жанубий Корезия-нинг "ДЭУ-Юнтел" қўйма корхонала-ри ишлаб турибди.

Мамлакат ичиданги асосий йўна-лишларида оптик тонали алоқа ли-нивалари, кабелли ва радиорелели коммуникациялар ишламоқда. Бу-нинг шарафати билан шаҳарлари 98 фоз, қишлоқ жойларига эса 32 фоз абонентлар шаҳарларо ва ха-лқаро алоқаларнинг автомат тиз-мига уланган. Барча ҳудудий мар-казлар шаҳарларо ва халқаро ало-қанин электрон воситаларига эга. Республикада аҳолисининг 98 фо-изидан олгинида давлат радио ва телекўрсатувлар дастуриларини қабул қилиш имконияти бор.

Республикада сарможалаштириш дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз эса бош исоқчи ва иқтисодий ислоқотлар қабили сифатида сарможаларни қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, Узбекистонда хорижий сарможалар, фирма ва таъкилотлар учун қўнуний ҳуқуқлар ва кафолатлар, иқтисодий имтиёзлар ҳамда рағбатлангаришлар яратилган.

Кабел телекўрсатувлар дастура-рини 22 та канал бўйича "Камал-лак-ТВ" Узбекистон-Америка қўйма корхонаси ушмоқда. Микро-ларга телекоммуникацияларнинг юқори тезликдаги, шу жумладан, Интернет тармоғи бўйича маълумот-лар узатиш хизматларини "Бултон" (Узбекистон-Америка) қўйма кор-хонаси тақдим этмоқда.

Ишончлики, Узбекистонда теле-коммуникация соҳасида амалга оширилган ислоқотларга, алоқа корхоналаримизни ҳусунилашти-ришга хорижий ҳамкорлар ўз ҳўс-саларин қўйди.

Ҳақимжон МУХИТИДИНОВ

## ЯНГИ МАҚОМ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Республикаимиз Президентни Фар-мони билан Тошкент электротех-ника алоқа институтининг Тошкент ахборот технологиялари универси-тетига айлантирилиши ҳақидаги ха-барни кафедримиз жамоаси катта мамнуният билан кутиб олди. Мар-казий Осиё минтақасида ягона ҳисобланган ушбу институтта уни-верситет мақоми берилиши тари-хий зарурат бўлиб, бу ахборот тех-нологиялари соҳасида нафақат юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, балки янги илмий ишларни ҳаётга жорий қилиш имкониятларини ҳам очиб берди.

злари университетда дастурий маҳ-сулотлар ишлаб чиқариш ва ахбо-рот хавфсизлиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш қўзда ту-тилган. Бу борда мутахассислар тайёрлашнинг дастлабки босқичла-рида, информатика ва унга манги-қан боғлиқ бўлган фанларни ўқитиш савиясини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўна-лишлар университетимиз ва кафе-дримиз жамоаси олгига дастурий маҳ-сулотлар ишлаб чиқиш, ҳозирги за-мон алгоритмик тиллар муҳитла-рини чуқур ўрганиш ва уларни та-лабаларга етказишнинг янги услуб-ларини яратиш вазифаларини қўймоқда.

Маълумки, ҳозирги замон теле-коммуникация тизимлари асосини ахборот технологиялари ташкил қилади. Ҳар қандай телекоммуни-кация тизимининг янги имконият-лари, хизмат турлари ва уларнинг сифати кўп жиҳатдан дастурий таъ-минотга боғлиқдир. Дастурий таъ-минотни интеллектуал — мақсадли ўзгартириш ёки янгидан яратиш теле-коммуникация тизими асосий кўрсаткичларини яхшилаиди. Шу боис Фармонда 2002/2003 ўқув йи-лидан Тошкент ахборот технологи-

Университетимиз таркибиданги компютер сифдлар, электрон клуб-хона ва Интернет тармоқлари им-кониятларидан кенг фойдаланган ҳолда юқорида қўйилган вазифа-ларни иттиҳил билан бажаришда ка-федримиз жамоаси бор билан ва имкониятларини амайдилан.

Б.РАЖАБОВ,  
Тошкент ахборот технологиялари университети информатика кафедраси мудир

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Узбекистон Республикаси Кон-ституциясида, Республикаимизнинг Фуқаролик, Меҳнат, Солиқ, Маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари ва бошқа қонунларида алоқа соҳаси хизматидан фойдаланувчи истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш алоҳида таъкидланган. Давлат алоқа инспекциясининг асосий вазифалари амалдаги қонуний ва меъририй ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари, лицензия шартлари талабларининг бажарили-ши, шунингдек, алоқа ва ахборот-лаштириш соҳасидаги ҳўжалик юри-тувчи субъектлар — оператор ва про-вайдерлар томонидан қўрсатилаётган хизматлардан фойдаланаётган истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда сифатли алоқа хизмати қўрсатилиши бўйича чора-табдиларни амалга оширишдан иборатдир.

зиви бўйича сақлаб олиш тарзида ёки абонентлик погта жавоми қўнунла-ридан фойдаланган ҳолда погта жуна-малари ва пул маблагларининг ўтказ-маларини олиш ёки олишдан бош тортиш, қўймаги эълон қилинган погта жунатамаси жойланмасининг баҳосини мустақил равишда белги-лаш, оператор ва провайдерлар то-монидан ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат билан таъминланиш, қонқарилар ёки умуман хизмат қўрсатилмаганини натижасида еткази-ланган зарарни ундириб олиш, маънавий зиёнининг қопланишига эришиш, ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини бузилган тақдирда ва-колатли давлат органлари ёки судга мурожаат қилиш каби ҳуқуқларга эга.

Алоқа соҳаси хизматларидан фойдаланаётган истеъмолчилар қўрсатилаётган хизматлар ва хизмат қўрсатувчи субъект тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотларга эга бўлиш, фойдаланиш учун алоқа хизмати ту-рини истиёрый танлаш, алоқа хиз-матидан ўз вақтида ва сифатли фой-даланиш, ундан фойдаланганда маълумотлар хавфсизлигининг таъмин-лангани, умумфойдаланиладиган теле-коммуникация тармоқлари хизма-тидан фойдаланиш ва унинг тармоқ-ларига ўзининг охири(терминал) ас-боб-усуналарини қонун ҳужжатла-рида белгиланган шартларда ва тар-тибда улаш, хизмат қўрсатилишида оператор ва провайдер томонидан шартнома шартлари бузилган тақдир-да телекоммуникация хизматларини рад этиш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятла-ринин, погта қондилари, қўрсатила-ётган хизматлар ва уларга доир та-рифлар ҳақидаги ахборотлардан эр-кин фойдалана олиш, ўз погта ман-

Узбекистон Конституциясининг "Фуқаролар мурожаати тўғрисида"ги қонунда "Узбекистон Республика-сининг фуқаролари давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок эта бориб, Узбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунла-рида ўзларига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларини рўйга чиқара туриб, ўларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфатларини ҳимоялаб мурожаат қилишга, давлат ва жамоат бирлаш-маларининг ваколатли органлари бу-зишган ҳуқуқларини тиклашга ҳақли-дилар" деб фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясин қўрсатиб ўтилган. Шун-дай экан, мулкчилик шаклидан қатъ-ий назар, қорхона, муассаса ва таш-килотлар раҳбарлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфатлари-ни рўйга чиқариш тўғрисидаги му-рожаатларини ҳар томонлама, холи-сон ва ўз вақтида қўриб чиқишлари ҳамда амалдаги қонунларга асосла-нинб, қарорлар қабул қилишлари ва унинг ижросини таъминлашлари шарт.

(Давоми 2-бетда.)

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

“Ўзбектелеком” АКнинг вилоятлар филиалларига қарашли 20 та туман алоқа боғламларида ўтказилган текширишлар натижасида истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш старли эмаслиги, “Бухоро Телеком” филиалининг Қорқулбозор, “Сирдарё Телеком” филиалининг Мирзачўл, “Фарғона Телеком” филиалининг Учкўприк, “Хоразм Телеком” филиалининг Янгиариқ боғламларида мурожаат билан келган фуқароларни қабул қилишни расмийлаштириш дафтарини йўлга қўйиш, “Жиззах Телеком” ШКнинг Галлаорол, Мирзачўл, “Самарқанд Телеком” ШКнинг Челек, “Сурхондарё Телеком” ШКнинг Денов филиаллари ҳамда “Хоразм Телеком” филиалининг Янгиариқ боғламларида истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар тури тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шаҳарлараро сўзлашувлар хизмати кўрсатиш бўйича туман алоқа боғламларида камчиликлар мавжуд жумладан, “Андижон Телеком” филиалининг Булоқбози, “Жиззах Телеком” ШКнинг Мирзачўл алоқа боғламларида белгиланган тариф асосида бир ярим коэффициент қўлланилмаганди. Галлаорол филиалида шаҳарлараро сўзлашув учун бир ярим баробар кўп хизмат ҳақи олинган. Янгириқта туман алоқа боғламларининг фақатгина оптик алоқа шаҳарлараро ва халқаро бюртмаларни қабул қилиш МТФ шаклидаги блан-

калар мавжуд қолганларида эса бюртмалар оқидий қроғозга расмийлаштирилган, бу эса ўз навбатида ноаниқлик, ҳато ва камчиликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Юқорида аниқланган камчиликлар корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 4, 5, 6, 10 ва “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонуннинг 23 ҳамда “Пошта алоқаси тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддалари талабларининг бузилишига, МТФ шаклидаги бланкалар билан таъминланмаганлиги эса ушбу корхоналар сўзлашув максималарига келиб тушаётган ва амалга оширилган бюртмалар ҳисоботини ҳаққоний юритиш учун ўрнатилган қонуний ва метрий талабларининг бузилишига олиб келган.

“Ишонч телефони” хизмати асосан алоқа хизматларидан фойдаланишида истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, почта, телекоммуникация ва мабуот тарқатишда кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишда фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида лицензиясиз фаолият юрилтаётган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш вазифаларини бажармоқда.

Жорий йилнинг беш ойи мобайнида Давлат алоқа инспекциясига келиб тушган мурожаатлардан кўриниб турибдики, кўп ҳолларда фуқаролар жойлардаги тегишли мутасадди шахсларга мурожаат қилганида, корхона раҳбари қабулида бўлганларида Уларнинг савол ва муаммолари ечимига мукамал жавоб ололмаётган. Шунинг

учун ҳам фуқаролар юқори ташкилотлар раҳбарлигига, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг беш ойи давомида “Ўзбектелеком” АК филиалларининг “Ишонч телефони” та 343 та, “Ўзбекистон почтаси” ДАК бўйича эса тўртта мурожаат келиб тушган. Шу давр мобайнида Давлат алоқа инспекциясига келиб тушган 303 та мурожаатдан 213 таси “Ишонч телефони” хизматига тўғри келди.

“Ишонч телефони”га тушган 213 та мурожаатнинг 178 таси маълумот тарикасида бўлиб, уларда қўйилган масалаларнинг барчасига ўз вақтида тўлиқ жавоб берилди. Маҳаллий телефон алоқаси сифати юзасидан тушган 158 та шикоятнинг 140 таси телефон ишласанлиги, 12 таси телефон ўраниш ва оптикга кўрсатиладиган хизмат ҳақлари тўланмаганлиги учун оғохдан-тиришсиз узиб қўйилиши бўйичадир. Почта хизмати ва телерадиостанцияларни тарқатишнинг ҳар бирига оптикдан, почта ва телекоммуникация хизматлари тарифи бўйича эса саккизта шикоят тушган.

Шикоятлар қўриб чиқилган, 21 та миқозга абонент ҳақи қайталан ҳисоб-китоб қилинган. “Ўзбектелеком” АКнинг “Қорқулбозор Телеком”, “Андижон Телеком” филиаллари, “Самарқанд Телеком” ШК ва “Жиззах Телеком” ШК (1 талдан) корхоналари ва “ТШПТ” филиалига (Миробол ҳедада 5 та, Чилонзор ҳедада 3 та, Собир Раҳимов, Мирзо Улуғбек, Марказий ҳедада 1 талдан - жами 11 та) тушган

шикоятлар юзасидан жойлардаги айбдор шахсларни жазолаш бўйича буйруқ чиқарилган.

Телерадиостанцияларни узатувчи ҳўжалик юритувчи субъектларда Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Гуммататак қишлоғи, Дубоа маҳалласи аҳолисида Сурхондарё РТУМ телеузаткичлари ишласанлиги, фуқаро А.Половниковдан “Ўзбекистон кабел телевидениеси” ЕАЖнинг “Осиё” кабел телевидение студияси кўрсатаётган хизматлари сифатсизлиги, Қорқулбозор Республикасида фуқаро И.Перекеевдан “Прометей” кабел телевидение студияси кўрсатаётган хизматлар яхши эмаслиги ҳақидаги шикоятлар текширилди ва асосли эканлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Бухоро вилояти, Пешку тумани, Варакма қишлоғида нафақачилар нафақани тўлиқ ололмаётгани ҳақида шу қишлоқда истиқомат қилувчи фуқаро Ф.Ражабовдан келиб тушган шикоят “Бухоро почтаси” АЖ корхонасининг айбини очиб берди.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 21-мавзе, 26-уй, 35-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро М.Сарваровдан шаҳарлараро телефон сўзлашувини учун телефон алоқаси ўчириб қўйилгани ҳақида тушган шикоят “ТШПТ” филиали, Чилонзор шехи хохимларининг масъулиятсизлиги билан содир бўлгани, шикоят ўраниб чиққанида эса ҳисоб бошқа абонентга тегишли эканлиги маълум бўлди.

Давлат алоқа инспекцияси ходимлари томонидан шикоятларни қўриб чиқиб жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан оптикга кўрсатма “Сурхондарё Телеком” ШК ва Сурхондарё РТУМга, унга кўрсатма “Тошкент Телеком” филиалига ва битта кўрсатма “Қорқулбозор

Телеком” филиалига топширилган. Таъмирилаш бўлимида ишласанлиги телефонларни сошлаш муддатининг кўрсатилмаслиги, телефон алоқасининг қоникорисизлиги, шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқларида кабеллар ўйрилганига ҳамон тўсиқ қўйилмаганлиги ва линия-кабел ҳўжалиги иншоотларида авариялар билан боғлиқ носозликларнинг бартараф этиш узоқ вақтга қўйилиши, шаҳарлараро сўзлашувлар учун асосиз ҳақ ҳисобланиши, абонент ҳақининг ўз вақтида қайта ҳисобланмаслиги, қабул қилинган қарорлар ижросининг старли даражада назорат қилинмаслиги, миқозларга ҳодимларнинг қўноқ муносабатда бўлишлари фуқаролар қонуний ҳақ-ҳуқуқларининг тақдор ва тақдор бузилишига сабаб бўлаверди.

Алоқа корхоналарида метрий ва қонуний ҳужжатлар талаблари, тубдан ва жорий таъмирилаш режалари бажарилганида, алоқа раҳбарлари ва ҳодимлари томонидан муомала ва мулоқот маданиятига риоя қилинганлиги, жойларда ҳодимлар масъулиятсиз бўлганида, корхона раҳбарлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида бажарилиши доимий назорат остига олинди, амалга оширилганида ва лицензия шартларининг талаблари бажарилганида ушбу мурожаатлар ва муаммолар ўз ечимини топган ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган, алоқа сифати яхшиланиб, муаммолар камаятган бўлар эди.

Тоҳир БИКМЕТОВ,  
Давлат алоқа инспекцияси  
бошлиғи ўринбосари

## ИНТЕРНЕТ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ



лим олишга бўлган қизиқиш жуда кучли. Улар ўз дунёқарашларини Интернетдан олинган бой маълумотлар билан кенгайтиришга интилади. Бу ерда янги келган миқозта Интернетда қандай ишлаш лозимлиги ўргатилади, хоҳласалар бепул электрон почта очиб берилди.

Кейинги йиллари Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация соҳаси жадал ривожланиб бораётти. Кўшимча хизмат кўрсатиш турларида бири бўлган Интернет тизими ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Бугунги кунни ахборотлар алмашувисиз тасаввур қилиш қийин. «Хоразм почтаси» акциядорлик жамияти ҳам замон талабларидан келиб чиққан ҳолда аҳолига кўшимча хизмат кўрсатишни йўлга қўйиб, хайрли ишга қўл урди. Корхонанинг аҳолига Интернет хизмати кўрсатиш бўлими компьютер техникаси билан боғлиқ барча турдаги ишларни амалга оширмоқда.

— Миқозларимизнинг асосий қисминини талабалар ташкил қиладди, — дейди мазкур бўлимнинг компьютер бўйича мутахассиси Умрбек Исмоилов. — Ёшларда би-

электрон почта очиб берилди. Уларга хоржий давлатлардаги тенкурлари билан дўстона алоқа ўрнатишларида ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, бу бўлимда миқозларга таширф қоғози ҳам тайёрлаб берилмоқда. Эски суратларни янгилаш ва ҳужжатлардан нусха кўчириш каби ишлар йўлга қўйилган. «Хоразм почтаси» акциядорлик жамияти туман бўлимларини ҳам Интернет тизимига улаш чораларини кўрмоқда. Ҳозир ички алоқаларини электрон почта орқали амалга ошириш корхона фаолиятини ривожлантирибгина қолмай, балки ҳодимларнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш савиясини сезиларли даражада кўтарди.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,  
Хоразм вилояти

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоси университетнинг “Телекоммуникация тармоқлари ва коммутиация тизимлари” кафедраси мудирини, техника фанлари номзодини, профессор Владимир Мухомич СОННИ 70 ёшга тўлиши муносабати билан чин қалбдан табриклайди. Унга узоқ умр, সিҳат-саломатлик, илмий-педагогик ишларида муваффақият ҳамда оилавий хотиржамлик тилайди.

“Қашқадарё почтаси” АЖ жамоси корхонанинг Қарши шаҳар филиали директори Равшан ЖУРАЕВНИ 50 ёшга тўлганлиги муносабати билан самимий табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида омад тилаб қолади.

## Болалар оромгоҳларида

### ЁЗГИ ТАЪТИЛ ҚУВОНЧЛАРИ

“Ўзбектелеком” АКнинг “Бухоро Телеком” филиалига қарашли “Ёш алоқачи” оромгоҳида вилоят алоқа корхоналари ҳодимларининг фарзандлари мириқиб дам олмақдалар. Оромгоҳда “Кичкинтой”, “Дўстлик”, “Ўзбекистон” ва “Ёшлик” деб номланган тўртта гуруҳ бўлиб, болалар учун барча шароит муҳайё қилинган.

Мазкур маскандаги ҳар бир кун мазмуни ўтаётгани боис болалар бу ерда қайта-қайта дам олиш истагини билдиришмоқда. Бу йилги биринчи мавсум ҳам таассуротларга бой бўлди. Ўғил-қизлар оромгоҳи миқёсида ўтказилган “Миллий рақслар” танловига иштирок этидилар. Ўз тенгдошлари томонидан ижро этилган кичик сахна асарлари ва бир-бирдан қизиқарли мултимедлар томоша қилидилар. Тарихий обидалардан бири — Бухоро яқинидаги Ситора Моҳи Хосса мақбарасига уюштирилган саяҳат ҳам болалар хотирасида муҳрланиб қолди.

Агар биринчи мавсум давомида бу ерда 120 нафар бола дам олган бўлса, таътил тугагунча жами 400 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшларни соғломлаштириш режалаштирилган. Турли китобларга бой кутубхона, “Маънавият ва маърифат” хонаси, телевизор, қўмилиш ҳавзаси, 80 ўринли шинам ошхона, баҳаво ётоқхоналари спорт тўрақлари ва майдончалари бутун ёз давомида ёш дам олувчилар ихтиёрида. Шунингдек, улар оромгоҳ боғида етиштирилган турли хил мазали мевалардан ҳам баҳраманд бўлидилар.

Болалар саломатлиги шифокорларнинг доимий назоратида. Болажонларнинг овқатланиши ва йўлланма харажатлари тўлиқ корхона ҳисобидан қопланмоқда.

А.ИСТАМОВ,  
Бухоро вилояти

## ДЕНОВДА “АЛОҚАБАНК” ФИЛИАЛИ

Ўтган йили Сурхондарёда биринчи марта иш бошлаган “Алоқабанк”нинг вилоят бўлими тақомиллашиб, ўз шаҳобчаларини кўпайтирмоқда.

Денов шаҳрида очилган филиал шундай хайрли ишнинг дебначиси бўлди. Замонавий жиҳозланган ва малакали кадрлар билан таъминланган янги жамоа миқозларга рақамли телефон хизматида фойдаланишга ёрдам

беради. Шу билан бирга вилоятнинг шимолий туманлари ва Шарғун шаҳрида тармоқни ривожлантириш учун чет эл инвестицияларини жалб этишда “Алоқабанк” хизмати катта бўлади.

Филиалнинг тантанали очилиш маросимида Денов тумани ҳокими А. Эшмуродов ҳамда “Сурхондарё Телеком” шўба корхонаси бош директори У. Ашуровлар иштирок этиди.

## ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ КЎЗЛАБ

Ҳар йили ёзда вилоят алоқа ҳодимларининг фарзандлари хушманзара оромгоҳларга йўл олишади. Айни пайтда Ҳисор ва Қўхитанг тоғ тизмалари этагиди “Вахшвор”, “Чашма”,

“Вандоб” оромгоҳлари болаларни ўз бағрига олган. Уларга вилоят алоқа ҳодимлари бирлашган касба уюмчаси кўмитаси томонидан имтиёзли йўлланмалар берилган.

## “СУРХОН САДОСИ” ҲАВО МАВЖЛАРИДА

“Сурхон садоси” радиоканали вилоят ҳокимлиги фармойиши асосида ташкил этилди. Икки ойдики, у ҳаво мавжларига ўз дастурлари билан чиқмоқда. Ушбу янгиликни йўлга қўйишда вилоят телерадио узатиш маркази раҳбари, тажрибали мутахассис Ботир Қурбоновнинг хизмати катта бўлди. Ҳозир “Сурхон садоси” “Ёш-

лар” ва “Водий садоси” каналлар жамоалари билан басма-бас рақобатлашиб фаолият кўрсатмоқда. Дастурларнинг тингловчи дидига мос тайёрланиш учун муҳаррир Тура Қобилиев ҳамда режиссёр Фарҳод Диёрлов ижодий ҳамкорликда меҳнат қилишмоқда.

Н.ЗИЕВ,  
Сурхондарё вилояти

**НПФ «TETRASOFT»**

**ПРЕДЛАГАЕТ** **Пакет программ:**

**НПФ «TETRASOFT» «TS-БУХГАЛТЕРИЯ»**

Разрабатывает программные обеспечения по автоматизации бухгалтерского учета и финансовой деятельности организаций. В локальных и сетевых версиях поддерживаются режим удаленного доступа на базе DCOM

«TS-Кадр»  
«TS-Баланс»  
«TS-Зарплата»  
«TS-Учет договоров»

Специальный пакет программ «TS-Бухгалтерия» для предприятий АК «Ўзбектелеком» настоящее время внедрено в филиале «Наманган Телеком»

(Тел/факс): 118-91-92,  
Сор.: 127-29-00,  
Пейджер (067)13-870

www.geocities.com/tetrascft2002

**Побинка!!!**



# БАЛЗАКНИ БОЙЛАГАН БИР ТОЛА СОЧ

*“Сизни соғинаман, ҳар кун, ҳар соатда. Шу сабаб Сизни унраганимдан, суратингизни қалбимга муҳраганимдан буён портретингизни сўраб олмакчи эдим. Аммо бунга жўрат қилмайдим. Узингизни ҳақоратланган сезиб, мендан рақажиб қолишингиздан кўрқдим”.*

Буюк француз адиби, юзлаб ишқий асарлар муаллифи Онорэ де Балзак суюқлигига ушбу мактубни битанида қирқ ёшларга бориб қолган, адабиёт осмонидagi порлоқ юлдузлардан бири эди.

Ўртаҳол оилада туғилган Балзакнинг ҳаёти машаққатли меҳнат ва муҳтожликда ўтди. Шоирлики ҳавас қилган Онорэнинг илк шerry драматини ўқиган ота-онаси ундан шоир қилмаслигини ва бу ишни йиғиштиришни айтишди. Сўнг у матбаа соҳасига ўзини уради. Бу тал ҳам иши юришмайди. Ноплоқ қолган Онорэ ёзувчиликда бахтини синнайди. 1829 йилда дастлабки романи босилган, у ҳаётини ёзувчилик билан боғлайди.

Онорэ ўттиз тўрт ёшда полк аслзодаларидан бири Ева Ганская хоним билан хат орқали танишиб қолади. Улар узоқ йиллар бир-бирларига мактуб ёзиб юришади. Ниҳоят, орадан етти йил ўтгач, кутилган висол дамлари Петербургда содир бўлди. Нева дарёси соҳилларида соғлаб ўтказилган суҳбатлар, ойдin туллардаги дил ихорлари пировадида улар бир-бирларисиз яшай олмастикларини англаб етишга имкон берди. Бироқ Ганская

хонимнинг эри бор эди. Шу боис икки қалб бир-бирига талпинган ҳолда бошқа-бошқа шаҳарларга ҳижронда яшайди. Улар фақат мактублар орқалигина дийдорлашар эдилар. Орадан ўн йил ўтади. Ўн йил! Бу узун ҳижрон йиллари улар муҳаббатининг қалдини эгмайди, эскиртирмайди. Аксинча, у янада мустаҳкамланади, чиниқлади.

1850 йилда адиб эллик ёшга тўлган вақтда Ганская хонимнинг эри вафот этади. Шундан сўнг улар Бердичев шаҳрида қонуний никоҳдан ўтадилар. Ниҳоят, севишганлар ўз бахтлари оғушида яшай бошлайди. Лекин севи қудратининг бу тантанаси, бу лаззатли онлар, эҳдирослар афсусли, узоққа бормади. Эрталаб кечгача қилинган тинимсиз меҳнат, оғир ҳаёт адибнинг бақувват қалдини эгиб қўйган эди.

Балзак ва Ганская хоним турмуш қўрганларидан сўнг бир неча ой ўтгач, адиб ҳаётдан кўз юмади.

Онорэ де Балзак буюк ижодкор, эҳтиросли қалб соҳиби эди. У бутун умр Ганскаяни худди ёш йигитлардек севи. Унинг висолгига талпинди.

Буни адибнинг Ганская хонимга ёзган хатлари ҳам исботлайди:

*“Кеча оқшом хатларингизни қайта-қайта ўқир эканман, фақат Сизгина мени тушунасиз, ҳаётимни англай оласиз, деган фикрга келдим.*

*Сиз соҳилнинг толасини жўнатганини сўрабсиз. Ҳозир уни ўстириятман. Бағзилар нега ундай қилгачан, деб мендан кулшмоқда. Соч*

## • Буюклар муҳаббати

*ўссин, сўнг жўнатаман. Ундан Сиз билагузук ёки занжир ясаб олишингизни хоҳайман.*

*...Эсингиздами, Сизга агар мени иширма етти ёшга айла севиб қолсан ўзимни энг бахтиёр деб ҳисоблар эдим, дегандим. Уни ёшимиздаги тафовутлар оқибатида юз бериши мумкин бўлган ҳижронлардан, машаққатлардан кўрқмай, худди ёш болалардай севаган бўлардим. Сиз — фарштагинам, бу орзуларимни рўёбга чиқаргайсиз...*

Париж. 1833 йил, 9 сентябрь”.

*“Ўйга келсам сендан хат келибди. О, қалбим, мен бундан жуда ҳам хурсанд бўладим.*

*Сен қаҳраимсан! Сен менинг ҳақимда ёмон фикрларга борасан. Портретингни буйнимга осиб юриш учун сочинга толасидан занжир тўқиб олишга етарлигини сўраган эдим, холос.*

*Суратингни ишлатмоқчи бўлсан, кичикроқ қилиб тайёрлатгин. Назаримда Женевада яхши расомлар бор. Улар уни топқа медалонга жойлаштириб беришин...*

*Азизам, севишли Момо Ҳавойим, сен тўфайли ҳаётимда янги саҳифа очилди. Ниҳоят, бадалларимиз ҳам қалбларимиз каби бирлади ...*

*Сен ўтган якшанба кўни тил билан эмас, балки фақат ниҳоним билан айта олишим мумкин бўлган сўзларни айтишимни хоҳладим. Мен эса фикрларимни қалбимдан қалбимга етказишни истардим, холос...*

Париж. 1833 йил, 6 октябрь”.

И. АҲМЕДОВ тайёрлади



Ёзги соҳил...

## • Маслаҳат

### УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРИ

Узоқ умр кўриш инсониятнинг энг қадимги, энг эзу, энг ушалмас орзуси. Нега одамлар 100, 200 ва ундан ортиқ ёшга бемалол кира олмайдилар? Бунга нима халал беради?

Бундай десак, тарихда 200 дан ҳам ошган одамлар бор-ку? Узоқ яшаш сирлари уларга аён-ку?! Эдо (Токионинг аввалги номи)га бош вазирнинг таклифига биноан Япониянинг энг кекса кишиси, деҳқон Мамиз таширф буюради. У ўшанда 193 ёшда экан. Узоқ яшашнинг сирини нимада деган саволга у: “Мен ота-боболаримдан куйдириш санъатини ўрганиб олганман. Ҳар ойнинг 1-8 саналарида оила аъзоларим билан Цзу-Сан-Ли (“узоқ яшаш нуқталари”)ни куйдирамиз. У тизза кўзининг тагида жойлашган. Аёлим ҳозир 173, ўғлим 158, набирам 105 ёшда”, деб жавоб беради.

Чолга соғва-саломлар бериб, иззат билан қайтариб юборишди. 48 йилдан кейин Мамиз яна Эдога келади. Шунда у 241, хотини 221, ўли 201, набираси 153, неваря келини 139 ёшда бўлади. У на касалга на кексага ўхшарди.

Демак, узоқ яшаш мумкин экан-ку! Психологларнинг айтишича, бунинг ўнга асоси бор.

1. Биз умримиз қисқа деб, ўзимизни ўзимиз ишонтириб қўйганмиз. Мана шу ёғимизга кишан бўлган фикрдан халос бўлишимиз керак.
2. Дилнинг ёзувчилик қилишдан, жаҳолатдан холи бўлсин.
3. Ўзингизга, ўз куч-қудратингизга ишонинг.
4. Ўтган кунингиз билан нуқиб хайрлашинг, уни ўйлаб, асло ўкинманг.
5. Ҳаётингизнинг таянч нуқтасини топинг. Бу — меҳнат вужудга ором берадиган ишлар.
6. Кўзингиз етган тўсиқни энгиб ўтинг. Наҳотки чумоли қилган ишни инсон қилолмайди? Сира ҳам тушқунликка тушманг.
7. Ҳасад деб номланган балонинг ҳукмига юрманг.
8. Хиёнат йўлини тутманг. Дўстга, аёлингизга, авлодингизга тоза дил билан боқа олинг.
9. Тоза қалб, тоза виждон билан севинг.
10. Оз-оз энг, тез-тез энг.

### ИНТЕРНЕТНИНГ ФЙДАСИ

Коста-Рика солиқ идораси Интернет орқали солиққа оид декларацияларни топширувчи солиқ тўловчилар учун 0,1 фоиздан 5 фоизгача солиқ чегирмаларини белгилади.

Камида 100 миңг Коста-Рика колони (300 АҚШ доллари) миқдоридagi суммага декларация топширган солиқ тўловчилар учун энг юқори чегирма тақдим этилади.

### ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Кимё бўйича яратилган қадимги китоб “Ўзгаришлар китоби” деб номланган. Унинг муаллифи хитойлик олим Вей По Янг бўлиб, у эраиздан олдинги II асрда яшаган.

Жаҳонда арифметик масалалар бўйича яратилган дастлабки дарслик муаллифи VII асрда яшаган арман математиги Давид Непобедимийдир.

Қоғознинг энг қадимги намунаси эраизнинг 105 йилида юзгага келган.

## ҚАЙДНОМАЛАР

Йўқ, миллатни ер ости бойликлари фаровон қилолмайди. Халқ заковатли, уддабурон, тежамкор бўлгандагина бири икки бўлиши мумкин. Бир кўза олтини бор доводирдан, қўлида яхши хунари бўлган хушфел ва ишчан одам бой ва бахтлидир.

Биз кўп соҳаларда қадимги юнонларнинг ихтироларини қайта кашф этиб юрибмиз. Айниқса, биология ва тиббиёт соҳаларида фаннинг юза қатламидамиз. Ваҳоланки, инсониятнинг келажаги кўп жиҳатдан ана шу икки фан тараққиётига вобастадир.

Ақл, ақл, ақл! Бирламчиси шу! Жамият ва миллатга кўплаб ақлли ёш олимлар, шоирлар, файласуфлар керак! Уларни бало- қазодан асрайлик!

Даҳоларни даҳо қилган меҳнат ва истеъдоддир. Улар ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам иштиёқ билан ишлаган, ишлаган!

Фараз ва фантазияни хомхаёлдан фарқ қилмоқ керак. Энг улук кашфиётлар шулардан бошланган. Фараз — ўлжанинг изига тушган овчини эслатади. Уёғи эса унинг жасурлиги, сабр-тоқатига боғлиқ!

Ижодкор учун ёш мутлақ нисбий кўрсаткич. Қирқ ёшда қариб қолган ёки худди шу санада иш бошлаб, донг таратган ижодкорларни биламиз.

Сўнгги нафасигача ўзини навқирон ҳисоблаган кишига ҳавас қилса арзийди.

Ойланг, авлодинг ва миллатингни ўзинг эмас, ўзгалар таърифласин!

Тежамкор билан ҳасиснинг фарқи бор. Уларнинг бири бойийди, иккинчиси қашшоқлашади.

Нусрат РАҲМАТ

## РАМЗИЙ ЎСИМЛИКЛАР

Турли таомларга хушбўй зирвор сифатида ишлатиладиган петрушка, укроп, селдерей каби ўсимликлардан ўтмишда ҳар хил маросимлар рамзи сифатида фойдаланиб келинган. Жумладан, петрушка ўсимлиги Миср ва Юнонистонда мусибат рамзи ҳисобланиб, ундан тайёрланган чамбаракларни ҳам чеккан кишилар кийганлар. Аксинча, мусобақаларда голиб чиққан кишиларга эса селдерейдан тайёрланган чамбараклар таққанлар. Укропни эса турли гулчамбар ва гулдасталарни безатишда ишлатганлар.

## “ТҮЙИМЛИ” БАРТ

Ҳиндистонда ўсадиган калмирдан ўсимлигининг барги истеъмол қилинганда очликнинг бартараф қилиниши, яъни одамнинг ўзини анчагина тўқ ҳис қилиши қадимдан маълум. Бу ўсимлиқни кўп ейдиган баъзи одамлар уни “ошқозон алдовчи” деб юртадилар. Бу ўсимликнинг шарбатини текширган олимлар унинг таркибида ҳеч қандай тўйимли модда йўқлигини ва у фақат тўқлик ҳиссини вужудга келтиришини исботладилар.

Европа ва Америкадаги бир қанча дори тайёрловчи фирмалар озишни истовчилар учун бу “тўйимли” баргдан дорилар тайёрламоқдалар.

### МУАССИС:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДУЖАЕВ, Шухрат ЖАББОР, Анатоллий КУДИНОВ, Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Мирғўлнат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗАЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
Habar@uzapt.uzpak.uz  
ИНДЕКС: 64600  
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма №Г-572.  
8210 нусхадан чоп этилди. Офсет усулида босилди. Б.ч.и.м.и.А-3, ҳажми 1 босма табоқ.  
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва сақфаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АҚЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.  
Мекониси: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Матн тереувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА  
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОВЕВ  
Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00